



THE ROLE OF DEFI SYSTEMS IN THE LEGALIZATION OF CRIMINAL ASSETS IN THE MODERN CRYPTO SPACE

Botirjon Zokirov

independent applicant

University of Public Safety

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: decentralized finance, legalization, DeFi services, blockchain, legal regulation, digital platforms, cryptocurrency, tokens, stablecoins, mixers, blockchain bridges, privacy-enhanced tokens.

Received: 26.12.24

Accepted: 28.12.24

Published: 30.12.24

Abstract: The article contains to increase the effectiveness of countering the use of typical criminal money laundering schemes by identifying the technological and legal vulnerabilities of the DeFi infrastructure: decentralized exchanges, blockchain bridges, decentralized wallets, and privacy-enhanced currencies.

ЗАМОНАВИЙ КРИПТО-МАКОНДА ЖИНОИЙ АКТИВЛАРНИ ЛЕГЕЛЛАШТИРИЛИШИДА DEFI ТИЗИМЛАРИНИНГ ЎРНИ

Ботиржон Зокиров

мустақил изланувчи

Жамоат хавфсизлиги университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: марказлашмаган молиявий тизимлар, легаллаштириш, блокчейн, ҳуқуқий тартибга солиш, рақамли платформалар, криптовалюта, токенлар, блокчейн кўприги.

Аннотация: Мақолада марказлаштирилмаган биржалар, блокчейн кўприклари, марказлашмаган ҳамёнлар ва конфеденциал валюталар инфратузилмаси орқали жиноий даромадларни легаллаштирилиши ва уларга қарши кураш самарадорлигини ошириш масалалари кўрсатилган.

РОЛЬ СИСТЕМ DEFI В ЛЕГАЛИЗАЦИИ ПРЕСТУПНЫХ АКТИВОВ В СОВРЕМЕННОМ КРИПТОПРОСТРАНСТВЕ

Ботиржон Зокиров

независимый соискатель

Университета общественной безопасности

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые	слова:	Аннотация:
децентрализованные финансы, повышение эффективности легализация, DeFi-сервисы, блокчейн, противодействия использованию типовых правовое регулирование, цифровые схем отмывания преступных доходов на платформы, криптовалюта, токены, основе выявления технологических и стейблкоины, миксеры, блокчейн-мосты, правовых уязвимостей инфраструктуры токены повышенной конфиденциальности. (DeFi) децентрализованных бирж, блокчейн-мостов, децентрализованных кошельков и валют повышенной конфиденциальности.		

Жиноий активлар қайтариш ва крипто активлари иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши кураш тизимида ва долзарб мавзудир. Чунки жиноий активлар нафақат пулни, турли хил мулкларни, шу жумладан, жиноий фаолият натижасида орттирилган криптовалюталарни ҳам ўз ичига олади. Мазкур жараёнларда марказлаштирилмаган молия тизимлари алоҳида ўринга эга.

Марказлаштирилмаган молия тизими (DeFi) [1] нафақат тақсимланган реестр (блокчейн [2]) технологиясини ривожлантиришнинг янги босқичи, балки жиноий даромадларни легаллаштиришда жаҳон ва миллий молия тизимига сезиларли таҳдидир.

DeFi тизимининг анъанавий (марказлаштирилган) молия тизимлар ўртасидан асосий фарқ шундаки, томонлар ўртасидаги муносабатлар шартнома протоколи (P2P) операциялари форматига асосланган банклар ва бошқа расмий молия институтларига муурожаат қилишни назарда тутмайди.

DeFi тизимининг элементлари қуйидагилардан иборат:

- марказлаштирилмаган криптоҳамёнлар (блокчейн активлари);
- тармоқлараро хавфсиз криптоқўприklar (маълумот ва актив алмашишни таъминловчи блокчейн тармоқлар);
- ўзаро кредитлаш платформалари, марказлаштирилмаган крипто биржалари (смарт шартнома протоколларидан фойдаланган ҳолда крипто активларни ўзаро айирбошлашга мўлжалланган рақамли платформалар)
- криптова активлар ликвидлигини таъминловчи платформалар[3].

DeFi тизимига кўра, смарт шартнома протоколларидан фойдаланиш барчанинг ҳаракатларининг уйғунлигини таъминлашга имкон бериб, марказлаштирилмаган лойиҳаларга ликвидликни жалб қилиш ва марказлаштирилмаган хизматлар иштирокчиларининг хавфсизлиги ва молиявий мустақиллигини таъминлаш билан бир қаторда, ташқи назоратнинг имкони йўқлиги сабабли, юқори криминоген потенциалликни келтириб чиқаради.

DeFi тизимини ҳуқуқий тартибга солишдаги бўшлиқларнинг мавжудлиги иформацион технологиялардан фойдаланган ҳолда жиноятчилар томонидан активларни ноқонуний ювиш учун тобора кўпроқ имкониятлар яратиб беради. Мазкур бўшлиқлар каторига жиноий даромадларни легаллаштириш қарши тизимлаштиришнинг ва “KYC” (мижозингизни билинг) идентификация қилиш тартибини қўллашнинг имкони йўқлиги мисол сифатида кўрсатиш мумкин.

Таҳлилларга кўра, DeFi тизимида содир этилган жиноятлар йил сайин ўсиб бормокда, жумладан: 2017 йилда - 16 та, 2021 йилда – 308 та, 2022 йилда – 435 та содир этилиб, жиноятларнинг ярмида кўпида зарар 356 млн. доллардан ошган бўлиб, энг кам зарар 158 млн. долларни ташкил этган бўлса, энг катта зарар 3,6 млрд. Долларни ташкил этган[4].

Европол маълумотларига кўра, мутахассислар DeFi тизимида даромадларни легаллаштиришнинг учта асосий каналларни кўрсатиб ўтишган, жумладан:

- марказлашмаган биржа (DEX);
- децентрализованные миксерлар (воситачиларсиз актив алмашиш);
- блокчейн-кўприклар[5].

Амалда, жиноятчилар бир нечта манзиллардан фойдаланган ҳолда марказлаштирилмаган хизматлардан марказлаштирилган хизматларга ёки аксинча пул кўчириб, транзакцияларни кузатишни сунъий равишда мураккаблаштирадилар. Бу орқали маблағлар бир неча кичик суммаларга тақсимланиб, шубҳали оперциялардан молиявий назоратни четлаб ўтишга ҳаракат қилишади. Назарий жиҳатдан “Dapps” (марказлашмаган иловалар) тизими орқали крипто активларни кузатиш имкони мавжуд, лекин ҳуқуқ-тартибот идоралари мутахассисларининг мазкур йўналишдаги малакаларни етарли бўлмаганлиги ва крипто-муҳитда активларни легаллаштиришнинг моҳиятини тўлиқ тушунмаганликлари натижасида DeFi иловаларда активларни ҳаракатини назорат қила олмайдилар[6].

Шартли равишда, орқали жиноий даромадларни легаллаштиришнинг мавжуд механизмлари қуйидаги шаклларга ажратиш мумкин:

- 1) марказлашмаган биржа (DEX);
- 2) крипто-миксерлар;
- 3) блокчейн кўприклари;
- 4) токен (конфиденциаллиги юқори крипто-тангалар);
- 5) ICO (тез даромад ортириш имконини берувчи крипто-тангалар);
- 6) крипто-хизмат ўйинлари орқали.

Ҳозирги вақтда 600га яқин марказлаштирилмаган криптовалюта биржалари мавжуд бўлиб, уларнинг умумий суткалик айланма ҳажми 1,9млрд долларни ташкил этади. Шу

билан бирга, умумий крипто-валюта бозорида уларнинг ҳажми 5% дан ошмайди. Савдо ҳажми бўйича энг йирик марказлаштирилмаган биржалар учлигига Uniswap V3 (Ethereum), Uniswap V3 (Arbitrum One) и Pancakeswap V3 (BSC) киради[7].

Анъанавий фонд бозорлари принципи асосида ташкил этилган марказлаштирилган биржаларда (CEX) самарали молиявий назорат механизми мавжуд бўлиб, улар мансабдор шахслар томонидан транзакцияларни назорат қилиш, фойдаланувчиларни аниқлаш (KYC) ва агар зарурат бўлса, операцияни ёки муайян фойдаланувчиларни блоклаш мажбуриятини назарда тутди. Марказлаштирилмаган биржалар транзакцияларни назорат қилмайди, операцияларда қатнашмайди, фойдаланувчи ҳисобларини юритмайди ва уларни идентификациялашни амалга оширмайди. Молиявий разведка орқали мижозларни аниқлаш, активларни музлатиш имкони бўлмаган крипто-ҳамён, махсус блокчейн манзил орқали идентификация қилинади.

Шу сабабли марказлашмаган биржалар орқали аксарият жиноий даромадларни қонунийлаштириш амалиёти амалга оширилмоқда.

Крипто-майдонда жиноий даромадларни лагаллаштиришда қоида тариқасида қуйидаги схемалардан фойдаланилади (гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланмаси мисолида).

“P2P – транзакции и марказлаштирилмаган биржи” схемаси:

- 1) гиёҳванд моддалар сотувчиси харидордан вертуал валютани олиб, ушбу пулни воситачига ўтказди;
- 2) воситачи ушбу маблағларни марказлаштирилмаган биржа майдончасида яратилган P2P ҳисобига ўтказди;
- 3) крипто активлар гиёҳванд моддалар келиб чиққан мамлакатда қабул қилувчининг P2P ҳисоби юборилади;
- 4) қабул қилувчи ушбу активларни марказлаштирилмаган биржанинг маҳаллий валютасига айлантиради, сўнгра нақд пул шаклида банк ҳисоб рақамига ўтказди;
- 5) пул қабул қилиб олувчи валютасини кўплаб банк ҳисоб рақамларига ўтказди.

Маҳаллий банклар фақатгина анъанавий валютани ҳаракатини кўришади, лекин маблағларнинг келиб чиқиши ва уларнинг крипто активлари билан алоқаси аниқлай олмайди.

“Марказлаштирилмаган биржа – марказлаштирилган биржа”схемаси:

- 1) шахс жиноий йўл билан олинган крипто активларини олиб, уларни марказлаштирилмаган биржадаги ҳамёнига ўтказди;
- 2) токенлар янги шаклга айлантирилиб, (қоида тариқасида маҳаллий валютага) бошқа ҳамёнга ўтказилади;

3) янги токенлар марказлаштирилган биржада бир ёки бир нечта ҳисоб рақамларига ўтказилади;

4) пул қонуний крипто ҳамёнларидан банк ҳисоб рақамларига тушади.

Криптоактивлар майдонининг назоратсизлиги жиноий фаолиятларнинг янги шакллари ва технологияларини қонунчилик асосида мувофиқлаштириш имконини бермайди ва жиноий активлар аниқлаш ва қайтариши имконини тобора қийинлаштиради.

Мазкур муаммоларни ҳал этишда ҳалқаро ҳамкорлик, махсус ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳамда криптоактивлар айланмасини музлатиш методдларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <https://www.bitcoin.com/ru/get-started/what-is-defi-decentralized-finance/>;
2. <https://www.vedomosti.ru/spravka/blokchein>;
3. Sidorenko, E. L. (2023). Legalization of criminal income using DeFi: typical schemes and risk indicators. Russian Journal of Economics and Law, 17(4), 822–836. <https://doi.org/10.21202/2782-2923.2023.4.822-836>;
4. <https://www.csh.ac.at/criminal-activities-in-the-crypto-sector/>
5. Elliptic. (2022). Preventing Financial Crime in Cryptoassets. <https://www.elliptic.co/hubfs/Typologies-2022>;
6. Elliptic. (2022). DeFi. Risk, Regulation, and the Rise of DeCrime. <https://www.elliptic.co>;
7. Лучшие децентрализованные биржи по объему торгов за 24 часа. CoinGecko. <https://www.coingecko.com/ru>